

АМИР ТЕМУР - БУЮК ҚУДРАТ СОҲИБИ

Жўрабоев Н.Ю.,

ТДТрУ доценти

Мерзаев И. Б.

ТДТрУ катта ўқитувчиси

Аннотация

Мақолада соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги курашлари, минтақа сиёсий майдонида пайдо бўлиши, моҳир саркарда ва давлат арбоби сифатидаги фазилатлари ёртиб берилган.

Калит сўзлар: шахс, тарих, Мовароуннаҳр, соҳибқирон, давлат, ҳарбий ишлар, қўшин тузиш, тузуклар, жанг санъати, муғуллар, Херман Вамбери, “Зафарнома”, Олтин Ўрда, Кичик Осиё, Самарқанд, боғ-роғлар, бунёдкор, Мустақиллик, тарихий хотира.

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, Марказий Осиё халқларининг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ давлат арбоби ва сардарда соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва сиёсий фаолияти, шу билан бирга, фавқулудда ҳарбий истеъдоди, шахс сифатидаги фазилатлари, қолаверса, зиддиятлари ҳамон дунё аҳлини қизиқтириб келмоқда. Айниқса, унинг Мовароуннаҳрда марказлашган давлат барпо этиш йўлидаги курашлари, ҳарбий юришлари, давлатчилик сиёсати ва халқаро дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш борасида амалга оширган кенгаш ҳамда тадбирлари диққатга сазовордир.

Соҳибқирон Амир Темур шахсияти жаҳон тарихида жуда кам учрайдиган ҳодисадир. “Буюк шахсларни миллат туйғуси, халқ дарди яратади”, деган эди Президентимиз. Зеро, миллат қайғусидан, халқ дардидан яралган бизнинг бобомиздай улуғ зотнинг дунёга келиши замон зарурати ва талабига айланди, тарих ва замон ўз қаҳрамонини, ана шу тариқа, сиёсат майдонида олиб чиқди.

Маълумки, XIV асрнинг 50-60 йилларида Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ҳукм суларди. Бу ҳол юртни хонавайрон қилиб, буткул таназзул ёқасига олиб келган эди. Шундай шароитда улусни мустақил тараққиёт йўлига солиб юборишдек тарихий вазифа кўндаланг турарди. Бу улуғвор ишни уддалаш, шубҳасиз, Амир Темур зиммасига тушди.

Соҳибқирон Амир Темур Курагоний ибн Тарағай Баҳодир 1336 йил 9 апрелда Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида ўз замонасининг нуфузли кишиси - барлос уруғидан бўлган Тарағай Баҳодир оиласида, илми нўжум ва афсоналарда зикр этилишича, Зуҳал (Венера) – дўстлик, меҳру муҳаббат туғёнларини инъом қилувчи, Муштарий (Юпитер) – омаду иқбол, музаффарияту шодиёналар сайёраси деб таърифланувчи юлдузларнинг бир бурж остида учрашган вақтида, яъни қирон воқеаси чоғида, демакки, қирон эгаси – соҳибқирон сифатида дунёга келди.

У 1358 йили амакиси - Кеш ҳокими Хўжа Барлос ва Баён Сундузларга қўшилиб, муғуллар истибдодига қарши курашлар даврида тарих саҳнасига чиқди. Ўттиз беш йил (1370-1405) ҳукм сурган соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё ҳудудларини ягона марказлашган давлатга

бирлаштирди. Ҳинд ва Гангадан то Орол денгизигача, Тянь-Шандан то Босфоргача бўлган улкан салтанат барпо этди.

Моҳир саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг тарихий хизматлари ҳамон мутахассислар томонидан катта қизиқиш ва қониқиш билан ўрганилмоқда. Унинг жаҳон тарихий тараққиётига қўшган ҳиссасини сира инкор қилиб бўлмайдиган жиҳати, энг аввало, шундаки, **биринчидан**, у улкада узоқ давом этган аянчли муғул истибдодига барҳам берди; **иккинчидан**, парокандаликка юз тутган Марказий Осиёнида ягона марказлашган давлат барпо этишга эришди; **учинчидан**, Ўрта Шарқ, Яқин Шарқ ва Кичик Осиё минтақаларидаги сиёсий беқарорликка барҳам бериб, уларнинг хавфсизлигини таъминлади; **тўртинчидан**, Муғулистон устига қилган юришлари билан Хитойнинг Минь сулоласини муғуллар солаётган хавфдан халос этди; **бешинчидан**, Олтин Ўрда ҳоқони Тўхтамиш билан 1391, 1395 йилларда олиб борган улкан жанглари туфайли Россияни муғуллар зулмидан озод бўлишини бир неча ўн йилларга тезлаштирди; **олтинчидан**, 1402 йилда Усмонийлар империяси устидан қозонган ғалабаси Европани халокатдан қутқариб қолди ва уни Европа халоскорига айланттирди.

Амир Темур жаҳоннинг тўртта машҳур саркардаларидан бири, кураги ерга тегмаган буюк саркарда, худо берган салоҳиятини тўла-тўқис намоён эта олган, монанди йўқ буюк армия қумондони эди. Жанг санъати, аскар тутиш қоидалари, жанговар саф тортиш кабилар унинг “Тузуклари”да батафсил ёритилган. Бинобарин, ҳарбий санъат тарихи Темурни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида тан олади. Унинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида намоён бўлади. Бу ўринда, Темурнинг армиясининг қуйидаги хусусиятларини қайд этиш мумкин. **Биринчидан**, Темур армияси умумхалқ характеридаги лашкарлардан иборат эмас эди; **иккинчидан**, Темур қўшинига чорвадорлар қаторидан, косиблардан, ҳунармандлардан ва ўтроқ аҳолидан аскар олинган; **учинчидан**, Темур қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлик асакарлар билан бир қаторда, пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам бўлган; **тўртинчидан**, Темур Шарқда биричилардан бўлиб, ўз армиясига ўт ирғитувчи қурол – раъд андоз олиб кирган; **бешинчидан**, соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус қисмларни ташкил этган; **олтинчидан**, Темур жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб, қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий қилган; **еттинчидан**, қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча, ғаним кучларини ён томонидан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм – канбулни жорий этган.

Соҳибқирон ташкил этган қудратли ва интизомли армия жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида кейинчалик буюк саркардалар, ҳарбий мутахассислар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилган ва таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ҳозирда ҳам бу мерос кўплаб қўшинлар учун андоза вазифасини ўтаб келмоқда.

Венгер тарихчиси Ҳерман Вамбери, Амир Темурнинг ҳарбий салоҳияти ҳақида гапирар экан, ҳақли равишда шундай деган эди: “**Бинобарин, Темурни Чингиз ила бир сафга қўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки маротаба хатодир. У, аввало, Осиё саркардаси эди. Ўзининг ғолиб асакарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари тарафидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранроқ қаралса, бирор жинойтга жазо тарзида рўй берган**”.

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида мамлакат сарҳадларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида кўплаб ҳарбий курашлар олиб борди. У **1386-88 йиллардаги 3 йиллик, 1392-96 йиллардаги 5 йиллик, 1398-1404 йиллардаги 7 йиллик юришлари** чоғида Эрон, Кавказ орти, Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудлари, Ироқ, Сурия, Миср ҳамда Кичик Осиёни кўплаб ҳудудларни ўзига бўйсундирди. 1402 йилнинг ёзида Темур қўшинлари Туркия устига, яъни Елдириш Баязидга қарши қўшин тортиб, шу йилнинг 28 июлида бўлган Анқара жангида душман устидан ғалаба қозонди. Шу билан Темур қўшинлари салбчиларнинг Яқин шарқдаги сўнгги қароргоҳи Измир шаҳрини ҳам забт этди. Бу ҳақда “Зафарнома” муаллифи шундай сатрларни ёзади: “Ислом аҳлининг зафар тонгги июн оят мажридан балқиди. Қалъа деворлари ислом дини муҳолифларининг яловидек ерга қулади. Кофирлар ҳалокат мақомида бало ўқию қазо тифига нишона бўлдилар”.

1404 йилнинг март ойида Темур Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб, Хитой юришига тайёргарлик кўра бошлади. 1404 йилнинг охирида 200 минглик Темур қўшини Самарқанддан Хитой томон йўлга чиқиб, 1405 йилнинг январь ойи ўрталарида Ўтрорга етиб келди. Шу ерда Амир Темурнинг касали ҳуруж қилиб, у 18 февраль кuni вафот этди.

Темур давлатида марказий маъмурият тизими ўзига хос бўлиб, унинг бошида девонбеги, унинг ёнида аркбеги ва 4 та вазирлик бўлган. **Биринчи вазирлик** – ер солиғи, чегара божи, миршаблик ишларини; **иккинчи вазирлик** – аскарлар маоши ва озиқ-овқат таъминоти билан; **учинчи вазирлик** – ҳарбийлар, уларни мансабга тайинлаш ва мерос ишлари билан; **тўртинчи вазирлик** – сарой харажатлари билан шуғулланган. Ундан ташқари, Темурга содиқ 313 та амир ҳам бўлган. Булардан биттаси Амир ул Умаро, ўн иккитаси беклар беги, юзтаси мингбоши, юзтаси юзбоши, юзтаси ўнбоши мансабларини эгаллаганлар.

Шунингдек, Темур нафақат ҳарбий саркарда, балки бунёдкор шахс сифатида мамлакатни ободонлаштиришга эътибор қаратиб, Самарқанд атрофида катта боғлар яратди. **Кўксарой, Бўстонсарой, Гўри амир мақбараси, Бибиҳоним масжиди ва мадрасаси, Шаҳрисабздаги Оқсарой** биноси бунёд этилди. Туркистон шаҳридаги **Хўжа Аҳмад Яссавий, Тошкент яқинидаги Зангиота мақбаралари таъмирланди.**

Темур ва темурийлар даври тарихи мустақиллик муносабати билан қайтадан ўрганилиб, халқимизга тақдим этилмоқда. Бунда Амир Темур шахсига муносабат алоҳида ўрин тутаяди. **1991-93 йилларда “Темур тузуклари” қайта нашр этилди. 1993 йили Тошкент шаҳрида Амир Темурга бағишлаб ҳайкал ўрнатилди, 1996 йили дунё миқёсида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди, шу йили Тошкентда Темур ва темурийлар даври тарихи музейи очилди. Мамлакатимизда “Амир Темур” ордени таъсиси этилди. Самарқанд, Шаҳрисабз ва Термиз шаҳарларига Амир Темур ордени берилди ва бу шаҳарларда унинг ҳайкали бунёд этилди. 1997 йили республикаимиз Президенти Ислам Каримов биринчи бўлиб, Амир Темур орденига сазовор бўлди. Тошкентда Амир Темур халқаро ҳайрия жамғармаси иш бошлади.**

Хулоса қилиб айтганда, соҳибқирон Амир Темур шахси, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатидаги фаолияти, давлатни бошқариш, қўшин тутиш каби мероси мустақил она юртимизда миллий давлатчилик асосларини барпо этишда бизга маълум ўринда ибрат мактаби вазифасини бажариб келмоқда ҳамда ёш авлодни ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, бундай ноёб ва бебаҳо меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг зоҳирий ва пинҳоний

жиҳатларини халқимизга етказиш, биринчи галда, биз зиёлилар учун ҳам қарз, ҳам фарз амалдир.

REFERENCES

1. Ислон Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т., “Маънавият”, 2008 й.
2. “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзусидаги халқаро Конференция тезислари. – Т., “Ўзбекистон” 1996 й.
3. “Темур тузуклари”. – Т., “Шарқ”, 2005 й.
4. Зафарнома. – Т., “Ўзбекистон”, 1996 й.
5. Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси. – Т., Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й.
6. Н.Жўрабоев, Р.Баратов. Амир Темурнинг ҳарбий-тактик маҳорати. - Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллигига бағишланган “Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбоби” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2022 й.
7. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(5), 1453-1458.
8. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Jurabayev, N., & Artikova, B. (2022, June). Constructive and optimal solutions for the formation of a stable ecological situation in the Aral Sea region of Uzbekistan. In AIP Conference Proceedings (Vol. 2432, No. 1, p. 030113). AIP Publishing LLC.
9. Умарова, Р. Ш. (2020). Натурфилософия Абу Райхана Бируни. Вестник науки и образования, (4-1 (82)), 35-37.
10. Umarova, R. S. (2019). Fundamentals of spiritual and moral education of youth in the works of Abu Rayhan Beruni. Problems of science, no. 4 (40).
11. Умарова, Р. (2015). Некоторые аспекты взаимоотношений природы, человека и общества во взглядах Абу Али Ибн Сино и Абу Райхан Беруни. Theoretical & Applied Science, (10), 127-129.
12. Ziyaev K., Method of quantitative research of navoi city on the basis of choice of traffic flow, The Scientific Journal of Vehicles and Roads (2021)
13. Mukhitdinov A., Ziyaev K., Omarov J., Methodology of constructing driving cycles by the synthesis, E3S Web of Conferences, (2021), DOI: 10.1051/e3sconf/202126401033
14. ЖўрабоевН,Умарова Р.Буюк Ипак йўли . Тошкент, 2019 й.